

6-30-2018

ORGANIZATION OF THE LEARNING PROCESS USING INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES

N Yu Mamasodikova

S I. Xonto'raev

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/ferpi>

Recommended Citation

Mamasodikova, N Yu and Xonto'raev, S I. (2018) "ORGANIZATION OF THE LEARNING PROCESS USING INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES," *Scientific-technical journal*: Vol. 22 : Iss. 2 , Article 24.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/ferpi/vol22/iss2/24>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific-technical journal by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

17. ORGANIZATION OF THE LEARNING PROCESS USING INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES

N.Yu. Mamasodikova¹, S.I. Xonto'raev¹

¹Ferghana branch of the Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Kharezmi, Ferghana, Uzbekistan

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРОЦЕССА ОБУЧЕНИЯ С ПРИМЕНЕНИЕМ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА ТАЪЛИМ БЕРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Abstract. *The use of modern information technologies and the application of new pedagogical technologies are among the most important factors in the development of the education sector. This article provides an overview of how to organize information and communication technologies.*

Key words: information technologies, pedagogical technologies, education, information and communication technologies.

Аннотация. *Использование современных информационных технологий и применение новых педагогических технологий являются одними из важнейших факторов развития сектора образования. В данной статье представлен обзор того, как организовать информационные и коммуникационные технологии.*

Ключевые слова: информационные технологии, педагогические технологии, образование, информационные и коммуникационные технологии.

Аннотация. *Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ва янги педагогик технологияларни қўллаш таълим соҳасини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Мазкур мақолада ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаган ҳолда таълим бериш жараёнини ташкил этиши ҳақидаги умумий таҳлилий фикр ва мулоҳазалар келтирилган.*

Таянч сўзлар: ахборот технология, педагогик технология, таълим, ахборот-коммуникацион технология.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг барча соҳаларда туб ислоҳотлар бошланди. Бу ислоҳотларнинг барчаси инсон омилини ҳар қачонгидан ҳам юқори савияга кўтариб, унинг кучи, идроки, салоҳияти, руҳий ҳамда маънавий баркамоллигини бевосита тараққиёт, ривожланиш ва цивилизация билан ўзвий боғлади. Бундан инсон ва унинг мукамаллиги, ўз устида ишлаши, ўз мукамаллиги хусусида қайғуриши муаммоси ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланди. Аниқ фанлар ичида «Информатика ва ахборот технологиялари» фани алоҳида ўрин тутди. Чунки ҳар доим инсоннинг ҳаёти ахборотлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган ва уларни сақлаш, қайта ишлаш, ўзатиш каби масалаларни ҳал қилишда талабаларда ахборот технологиялардан фойдаланиш билим ва кўникмаларини шакллантириш долзарб вазифа бўлиб келган. Ахборот технологияларидан фойдаланиш билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг муҳимлиги шундаки, у инсоннинг энг зарур моддий шароитини яхшилашни таъминлайди, яшаш учун шароит яратади. Ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни билиш эса инсонларда ўзига ишонч уйғотади, энг қийин жараёнларни таҳлил қилиш ва баҳолашга, шунингдек оптимал қарорлари қабул қилишга имкон беради.

Ўзбекистонда таълим тизимидаги ислоҳотларнинг асосини шакллантирувчи қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ва амалга оширилиб келинмоқда. Булар асосида “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлар алоҳида ўрин тутди. Бу қонунлардан келиб чиқадиган вазифа таълим дастурлари мазмунининг юқори сифатига эришиш ва янги педагогик технологияларни жорий қилишдир. Шунингдек, «Информатика ва АТ» соҳасига оид Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари қабул қилинган бўлиб, улардан баъзиларини келтириб ўтамиз:

Вазирлар Маҳкамасининг 23 май 2001 йил 230-сонли «2001-2005 йилларда компьютер ва АТини ривожлантириш, интернет халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришни таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни тадбиқ этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июнь ПҚ-91-сон «Ахборот технологиялари соҳасидаги кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларида ҳам юқоридаги мақсадлар назарда тутилган.

Таълим соҳасида интеллектуал ўқув тизими мониторинги ва коннектив бошқаришнинг муаммолари:

1. Ёшларнинг ўрта махсус таълим соҳасига доир бошланғич-таянч назарий билим ва амалий кўникмаларининг етарли эмаслиги;
2. Ахборот тармоқ тизимининг турғунлиги етарли таъминланмаганлиги;
3. Ахборот тизимида ҳавфсизликнинг таъминланмаганлиги;
4. Тармоқда ахборотларни бўзишга ёки ўғирлаб олишга бўлган уринишлар мавжудлиги;
5. Ахборот тизимидан фойдаланувчилар ҳуқуқи етарли ҳимояланмаганлиги ва талабларнинг мукамал эмаслиги;
6. Электрон имзонинг амалда тўлиқ тадбиқ этилмаётганлиги;
7. Электрон ҳужжат алмашилиш жараёнининг тадбиқи жараёнларининг талаб даражасидан ортда қолиши;
8. Ахборот тизимидан фойдаланувчиларнинг ишончи ва уларда лаёқатнинг пастлиги;
9. Ахборот тармоқларининг жамиятнинг барча соҳаларига кенг тадбиқ этилмаётганлиги.

Бу каби муаммоларнинг сонини кўплаб келтириш мумкинки, бугунги кунда булар барчаси мамлакатимиздаги муаммолар ҳисобланади.

Таълим жараёнида илғор педагогик технология методларидан фойдаланиш сезиларли даражада ижобий натижаларга эришишга имкон беради. Педагогик технологиянинг туб моҳияти, ўқитишнинг анъанавий, ўқитувчи томонидан баён қилиш, талабаларга тайёр билимларни бериш услубидан воз кечиш талабаларни кўпроқ мустақил таълим олишга ундашдан иборат. Шулардан бири, таълим бериш жараёнида АКТ(ахборот-коммуникацион технология)ларни қўллаш қандай натижаларни беришини мушоҳада қилиб кўрамиз.

Таълим муассасаларида АКТларни қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида ўтказилган сўровлардан қуйидагилар маълум бўлди:

- a. Ўқитувчиларнинг асосий қисми АКТларни ўзидан яхшироқ биладиган ҳамкасблари ёрдамида мустақил равишда ўрганишни маъқул кўрадилар;
- b. Қолган қисми эса АКТларни махсус ўқув курслари ёрдамида ўрганишни маъқул кўрадилар.

АКТларни ўрганишдан асосий мақсад таълим жараёнида замонавий технологияларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишдан иборатдир.

- c. Таълимни ташкил этувчи жараёнларни қуйидаги асосий босқичларга бўламиз:
- d. Машғулотларга материалларни тайёрлаш;
- e. Машғулотларни режалаштириш;
- f. Ўқитиш (ўқитиш жараёнида АКТлардан фойдаланиш);
- g. Ўқув назорати (назоратни енгиллаштиришда АКТлардан фойдаланиш);
- h. ИТИ(илмий-тадқиқот ишлари) ва ЎМК(ўқув-методик комплекс)ни ишлаб чиқишда АКТлардан фойдаланиш.

1-босқич: Машғулотларга материалларни тайёрлаш. Ҳар бир ишни бажариш учун пухта тайёргарлик кўриш, қутилаётган натижани муваффақиятининг ярмини таъминлаши сир эмас. Шу жумладан, ўқитувчилик фаолияти ҳам бундан мустасно эмас. Дарсга тайёрланиш жараёнида ўқитувчи ҳар доим ўз тажрибаси, ўқитиш услуги, фани ва таълим олувчилар аудиториясига таянган ҳолда ёндошади. Бериладиган билимларнинг сифати тўғридан-тўғри ўқув материалларининг сифатига боғлиқ. Таълим самарадорлигини ошириш мақсадида АКТлардан:

- a) қўлланмалар, мақолалар;
- b) тақдимотлар;

- c) тарқатма материаллар;
- d) услубий кўрсатмаларни яратишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг қулайликлари шундаки, электрон кўринишдаги материалларни сақлаш, актуаллаштириш, ҳамкасблар ва талабаларга тақдим этиш ҳеч қандай муаммо туғдирмайди. Бундан ташқари, бу материаллар компьютерингизда ихчамгина жойлашади. Сиз уларда исталган пайтда ўзгартириш ва тўлдиришларни ҳеч қийинчиликсиз амалга оширасиз. Электрон кўринишдаги материалларни бир жойдан бошқа жойга флешка ёки электрон почта орқали ўзатишингиз жуда қулай. Тақдимот материалларида ташки безаклар(оформление), экспресс-стиллар, иллюстрациялар, маҳсус эффектлар, жадваллар, мультимедиа воситаларини қўллаш берилаётган материални талабалар томонидан тўлиқроқ қабул қилишини таъминлайди.

2-босқич: Дарсни режалаштириш. Дарсни тўғри режалаштириш орқали сиз дарснинг мазмунли ва ортиқча вақтни йукотишсиз ўтилишига эришасиз. Режалаштиришга кетказган 10-20 дақиқангиз эвазига сиз дарс ўтиш жараёнида бир ёки ундан кўп соатга эришасиз. Режалаштириш деганда нафақат дарсни, балки семестр учун календарь-мавзули режа, давоматни текшириш методлари, назорат турлари ва якуний назоратни режалаштиришни назарда тутилади.

3-босқич: Ўқитиш. Ўқитиш жараёнида одатда бир фандан бир неча ўқитувчилар таълим бериш ҳолатлари учраб туради. Бу ҳолатларда таълим берувчилар ўртасида доимий ўзвийлик бўлиши керак. Ўқитиш жараёнида АКТлардан фойдаланиш методларидан бири бу Интернет тармоғида шахсий ахборот ўзелини ташкил этиш. Бу ўзел ёрдамида:

- 1) талабаларнинг саволларига жавоб бериш;
- 2) талабаларни уларнинг фаолиятига йўналтириш;
- 3) қўшимча материалларни киритиш имконияти туғилади.

Бу метод ёрдамида талабаларни қизиқтираётган саволларга биргаликда ечим топишингиз мумкин. Шунингдек, сиз талабанинг бажараётган ишларини назорат қилиш имконига эга бўласиз.

4-босқич: Ўқув назорати. Ўқув жараёнини назорат қилиб боришда Excel электрон жадвали ёрдамида талабаларнинг ўзлаштириш ва давоматларини қайд этиб борувчи электрон журнални тўзиш жуда қулай. Талабаларнинг билимларини АКТлар ёрдамида текширилганда вақт тежалани ва адолат мезонларига риоя қилинади. Хозирда назоратларни тармоқ серверидан бошқариладиган тест синовлари орқали баҳолаш мумкин.

Тест воситасида билимларни назорат қилиш методининг афзаликлари:

- 1. Малакали равишда тўзилган педагогик тест ҳолисона педагогик ўлчов воситаси бўлиб, назорат олиб бораётган шахсга боғлиқ бўлмайди;
- 2. Тест ўқув материалнинг барча асосий моҳиятини ўз ичига олиши мумкин, таълим натижаларини баҳолашнинг тест методи билимни аниқ ва тўғри баҳолайди, бунда баҳолашнинг кўрсаткич даражасини олдиндан белгиланади ва ҳамма талабалар учун умумий бўлади;
- 3. Тест синовлари кенг қамровли бўлиб, қисқа вақт ичида маълум бир ўқув материални ўзлаштиришини умумий равишда назорат қилиш имконини беради, бунда куч ва воситалар кам сарфланади;
- 4. Тест синовлари компьютер воситасида яхши автоматлаштирилади.

Аmmo тест синовларини умуман камчиликлардан ҳоли, деб бўлмайди. Тест синовларининг кўпинча шакллари талабани мустақил равишда жавобларни тайёрлаш тажрибасидан маҳрум этади (ёзма ва оғзаки шаклда). Бу синовларда ўқувчининг индивидуал психологик фаолияти “эркин шаклдаги” жавоблардан фарқланади, ўқувчининг индивидуал томонлари, ақл заковати намоён бўлмайди. Билими синалаётган шахс фақат тўғри жавобни танлайди, ҳолос.

5-босқич: ИТИ ва ЎМКни ишлаб чиқишда АКТлардан фойдаланиш.

ИТИ ва ЎМКни ишлаб чиқишда АКТларнинг ўрни бекиёс. Ҳозирги кунда талабаларнинг мустақил таълим олишлари учун ҳар бир олийгоҳнинг Ахборот-ресурс марказида электрон кутубхоналар фаолият кўрсатиб бормоқда. Бу кутубхоналарга шу олийгоҳда таълим берувчи барча профессор-ўқитувчилар ўзларининг электрон ўқув қўлланмалари ва услубий кўрсатмаларини жойлаштириши мумкин. Улардан ҳар бир талаба мустақил ишлаганда фойдаланиш имконига эга бўладилар. Бундан ташқари, таълим соҳасига тегишли қатор миллий ва халқаро таълим порталлари мавжуд. Буларга мисол қилиб Ziyonet, EduNET, Info.nit ва бошқаларни келтиришимиз мумкин. Талабалар нафақат бу сайтлардан фойдаланиш, балки уларга ўзларининг маълумотларини киритиш имкониятига ҳам эгалар. Таълим жараёнида АКТлардан юқоридаги мисолларда келтириб ўтилганидек фойдаланишни йўлга қўйсақ, таълим сифати янада ошади. Талабаларнинг ўз устида мустақил ишлашларига имкон ортади. Таълим соҳасига автоматлаштирилган ахборот технологияларини қўллаш куйдаги натижаларни беради:

- таълим сифати самарадорли ошади;
- ўзоқ масофадан туриб таълим олиш мумкин;
- масофадан таълим тизимини ташкиллаштириш мумкин;
- бир вақтнинг ўзида ўқув ахборотларининг бир қанча манбаларига ўқувчиларнинг муружат қилиши. Алоқа тўрлари орқали бир-бирлари ва ўқитувчилар билан мулоқатда бўлиши;
- ўқув хонаси ва техника воситаларидан самарали фойдаланиши.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ва янги педагогик технологияларни қўллаш таълим соҳасини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Ҳозирги кунда нафақат ёшлар, балки турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган юртдошларимизнинг ҳам АКТлардан фойдаланиш методларини ўрганишларини давр тақозо этмоқда.

Conferences:

- [1] Nishonova S.C. Komil insonni tarbiyasi: o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari uchun qo'llanma. - T.: Istiqlol. 2003.
- [2] Bordavskaya N.V., Rean A.A. Pedagogika.- M.: Piter, 2004.
- [3] Munavvarov A.Q. Pedagogika. – T.: O'qituvchi, 1996.
- [4] Jojikov A.V. Regionalnye aspekty formirovaniya informatsionnoy kulturno-obrazovatel'noy sredy v seti Internet. – Yakutsk: Izd-vo Yakutskogo un-ta, 2004. – 280 s.
- [5] G'ulomov S.S., SHermuxamedov A.S., Begalov B.A. Iqtisodiy informatika: Oliy o'quv yurtlarining iqtisodiy mutaxassisliklari uchun darslik - T.: "O'zbekiston", 1999.

Адабиётлар:

- [1] Нишонова С.С. Комил инсонни тарбияси: ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун қўлланма. - Т.: Истиқлол. 2003.
- [2] Бордавская Н.В., Реан А.А. Педагогика.- М.: Питер, 2004.
- [3] Мунавваров А.Қ. Педагогика. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
- [4] Жожиков А.В. Региональные аспекты формирования информационной культурно-образовательной среды в сети Интернет. – Якутск: Изд-во Якутского ун-та, 2004. – 280 с.
- [5] Гуломов С.С., Шермухамедов А.С., Бегалов Б.А. Иқтисодий информатика: Олий ўқув юртларининг иқтисодий мутахассисликлари учун дарслик - Т.: "Ўзбекистон", 1999